

Қўшилган қиймат солиғи бу нима?

Қўшилган қиймат солиғи - бу товарлар нархига устама кўринишида қўшиб ундирилдиган солиқ.

Қўшилган қиймат солиғи тўловчилари

Умумбелгиланган тартибда солиқ тўловчилар, яъни ялпи тушуми бир миллиард сумдан ошган юридик шахслар

Ягона солиқ тўловини тўловчи юридик шахслар (иҳтиёрий асосда)

Ўзбекистонда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгиланган ва соддалаштирилган тартиби

ҚҚС УМУМБЕЛГИЛАНГАН ТАРТИБ

Қўшилган қиймат солиғи нималардан тўланади?

Товарни сотаётганингизда ёки хизмат кўрса- таётганингизда, иш бажараётганингизда қўшилган қиймат солиғи ҳисоблаб тўлашингиз керак бўлади.

Қўшилган қиймат солиғи сотаётган товарингизнинг қийматига киритилган бўлиши керак, яъни харидордан ундириб олишингиз лозим.

Агар сотилаётган товарлар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинган бўлса қўшилган қиймат солиғи ҳисобланмайди ва товар нархига киритилмайди.

Ҳисобга олинадиган ҚҚС

Товарлар қўшилган қиймат солиғи билан сотиб олинганда ушбу қўшилган қиймат солиғи суммасини сотиб олувчи ҳисобга олиши мумкин.

Яъни кейинчалик ушбу товарлар ҚҚС билан сотилса аввал сотиб берувчига тўланган ҚҚС суммаси ҳисобланган суммасидан камайтиради ва фарқи бюджетга тўланади.

ҚҚСни ҳисобга олиш учун қўйидаги талаб-лар бажарилиши зарур:

- Сотиб олинган товарлар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинмаган оборотлар учун ишлатилиши шарт;
- Мол етказиб берувчи томонидан тақдим этилган ҳисобварақ-фактурада ҚҚС алоҳида ажратиб кўрсатилган бўлиши лозим;
- Товарлар импорт қилинганда ҚҚС бюджетга тўланган бўлиши керак.

ҚҚС СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБ

Ялпи тушуми 3 миллиард сумдан ошмаган юридик шахслар ҚҚСни соддалаштирилган тартибига ўтиш мумкин.

Бунинг учун ёзма хабарномани тақдим этишлари керак:

- ялпи тушуми 2018 йил якунлари бўйича 1 миллиард сумдан ошганда - 2019 йил 1 февралга қадар;
- ялпи тушуми йил давомида 1 миллиард сумга етганда кейинги ойнинг 15-санасидан кечиктирмасдан.



Муҳим!
ҚҚСнинг соддалаштирилган тартибда ҳисобга олиш механизми қўлланилмайди.



ҚҚСни соддалаштирилган тартиби татбиқ этилмайди. Акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ва ер каъридан фойдаланганлик учун солиқ, солинадиган фойдали қазилмаларни қазиб олишни амалга оширувчи юридик шахсларга

Соддалаштирилган ҚҚСнинг ставкалари

№	Тўловчилар	Ставка
	Иқтисодиётнинг барча соҳаларидаги юридик шахслар учун (2-6 - бандларда келтирилганлар бундан мустасно)	7%
	Қурилиш корхоналари	8%
	Чакана, улгуржи, шунингдек улгуржи-чакана савдо билан шуғулланувчи савдо корхоналари	6%
	Умумий овқатланиш, меҳмонхона хўжалиги корхоналари	10%
	Профессional хизматларни кўрсатувчи юридик шахслар (аудиторлик хизматлари, солиқ маслаҳати хизматлари, консалтинг, брокерлик ва бошқа хизматларни кўрсатувчи юридик шахслар)	15%
	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини реализация қилувчи юридик шахслар, ўзи ишлаб чиқарган ҳоллар бундан мустасно	4%